

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
VAZIRLAR MAHKAMASINING  
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

«29» ноябрь 2018 у.

№ 972

Toshkent sh.

**Кўп тармоқли фермер хўжаликлари реестрини шакллантириш  
ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида**

“Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг хуқуqlари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 9 октябрдаги ПФ-5199-сон Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Кўп тармоқли фермер хўжаликлари реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Белгилансинки, фермер хўжалиги Кўп тармоқли фермер хўжаликлари реестрига киритилган кундан бошлаб кўп тармоқли фермер хўжалиги мақомига эга бўлади.
3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат махсулотларини қайта ишлаш масалалари ахборот-таҳлил департаментига ва Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси вазифасини бажарувчи А.А. Хайтов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил **29** ноябрдаги  
**972** - сон қарорига  
илова

**Кўп тармоқли фермер хўжаликлари реестрини шакллантириш ва юритиш  
тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом кўп тармоқли фермер хўжаликлари реестрини шакллантириш ва юритиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда куйидаги тушунчалар қўлланилади:

**кўп тармоқли фермер хўжалиги** – қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан биргалиқда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, саклаш ва сотиш, саноат ишлаб чиқариши, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ва фаолиятнинг қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа турлари билан шугулланувчи фермер хўжалиги;

**Кўп тармоқли фермер хўжаликлари реестри** - қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан биргалиқда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, саклаш ва сотиш, саноат ишлаб чиқариши, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ва фаолиятнинг қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа турлари билан шугулланувчи кўп тармоқли фермер хўжаликлари рўйхати.

3. Фермер хўжаликларини Кўп тармоқли фермер хўжаликлари реестрига (кейинги ўринларда – Реестр деб аталади) киритиш Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (кейинги ўринларда Кенгаш деб аталади) томонидан бепул амалга оширилади.

**2-боб. Реестрни шакллантириш ва юритишнинг асосий мақсад ва вазифалари**

4. Реестрни шакллантириш ва юритишнинг асосий мақсад ва вазифалари куйидагилардан иборат:

кўп тармоқли фермер хўжаликлари ва улар томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, саклаш ва сотиш, саноат ишлаб чиқариши бўйича фаолият амалга оширилиши, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ва фаолиятнинг қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа турларини амалга ошириш ҳақидаги маълумотларнинг ягона электрон базасини яратиш;

республикадаги фермер хўжаликларининг ҳолати ва салоҳияти тўғрисидаги маълумотларни тизимли жамлаб бориш;

фермер хўжаликларининг қонун хужжатларида кўп тармоқли фермер хўжаликлари учун белгиланган талабларга мувофиқлиги тўғрисидаги маълумотлар мониторингини олиб бориш имкониятини яратиш;

Реестрга киритилган кўп тармоқли фермер хўжаликларига нисбатан улар Реестрга киритилган кундан бошлаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан боғлиқ бўлмаган бошқа фаолият турлари бўйича ягона солик тўловини тўлаш бўйича имтиёзларни қўллаш.

### **3-боб. Реестрни шакллантириш тартиби**

5. Реестрни шакллантириш ва тизимли юритиш туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари (кейинги ўринларда туман кенгашлари деб аталади) томонидан тақдим этиладиган материаллар асосида Кенгаш томонидан амалга оширилади.

6. Туман кенгашлари фермер хўжаликларини Реестрга киритиш учун ҳужжатларни қабул қиласди, дастлабки кўриб чиқиши амалга оширади ва Кенгашга тақдим этади.

7. Фермер хўжалигини Реестрга киритиш ихтиёрий равишда фермер хўжалигининг аризасига асосан ва бепул амалга оширилади.

8. Реестр вилоятлар ва туманлар бўйича электрон маълумотлар базаси шаклида Кенгашнинг расмий веб-сайтида эълон қилиш (жойлаштириш) орқали юритилади.

9. Реестрнинг шакли ва мазмуни Кенгаш томонидан тасдиқланади.

10. Реестр кўп тармоқли фермер хўжаликларининг ихтисослашувидан келиб чиқиб шакллантирилади.

11. Реестрга киритишда ёки уни янгилашда ҳар бир кўп тармоқли фермер хўжалигига нисбатан қуидаги маълумотлар ва кўрсаткичлар акс эттирилади (янгиланади):

кўп тармоқли фермер хўжалигининг номланиши;

солик тўловчининг идентификацион рақами (ИНН);

корхона ва ташкилотларнинг умумий таснифланиш коди (КТУТ коди);

маъмурий-худудий мансублигини аниқлаш коди (МҲОБТ);

кўп тармоқли фермер хўжалиги жойлашган жой;

кўп тармоқли фермер хўжалигининг ихтисослашуви;

ишлиб турган ўз асосий воситалари рўйхати (ишилб чиқариш базаси, машина ва механизмлар);

ер участкасининг контурлари;

алоқа воситалари (телефон, факс, мавжуд бўлса электрон почта);

кўп тармоқли фермер хўжалиги Реестрдан чиқарилгани тўғрисидаги маълумотлар (шундай ҳолат кузатилган бўлса).

Реестрда кўп тармоқли фермер хўжалиги тўғрисидаги бошқа маълумотлар, жумладан, туман кенгашига фермер хўжалиги томонидан ихтиёрий тақдим этилган маълумотлар ҳам акс эттирилиши мумкин.

12. Кўп тармоқли фермер хўжаликлири туман кенгашларини Реестрга киритилиши шарт бўлган маълумотлардаги ўзгаришлар тўғрисида, шундай ўзгаришлар юзага келганидан бошлаб ўн кун муддатдан кечиктирмасдан ҳабардор этишга мажбурдирлар.

13. Реестрдаги маълумотлар очик хисобланади, кўп тармоқли фермер хўжаликларининг молиявий кўрсаткичлари бундан мустасно.

14. Фермер хўжалигини Реестрга киритиш ёки уни Реестрдан чиқариш санаси деб Кенгаш томонидан белгиланган тартибда тегишли қарор қабул қилинган сана ҳисобланади.

15. Реестринг архив нусхаси қоғозда, 10 январгача якунланган йилнинг 31 декабрдаги ҳолатига кўра шакллантирилади, Кенгаш муҳри билан тасдиқланади ва ўн беш йил давомида Кенгашнинг идоравий архивида сақланиши керак.

**4-боб. Фермер хўжаликлари томонидан уларни Реестрга киритиш учун тақдим этиладиган хужжатлар**

16. Фермер хўжалиги Реестрга киритиш учун туман кенгашига ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича ариза тақдим этади.

17. Туман кенгаши Реестрга киритилиши зарур бўлган хужжатлар ва бошка ваколатли органлардаги маълумотларни мустақил равишда, белгиланган тартибда ўзаро маълумот ахборот ҳамкорлиги орқали, шу жумладан, электрон шаклда олади, ушбу Низомнинг 16-бандида назарда тутилган хужжатлар ва маълумот бундан истисно.

18. Фермер хўжаликлиридан ушбу Низомда назарда тутилмаган хужжатлар тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

19. Хужжатлар фермер хўжаликлари томонидан ўзи рўйхатдан ўтказилган жой бўйича тегишли туман кенгашига бевосита, почта орқали ёки электрон шаклда туман кенгашининг электрон ёки почта манзилига олинганилиги тўғрисида хабардор қилиш шарти билан тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган хужжатлар фермер хўжалигининг ракамли имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

20. Нотўғри ёки бузилган маълумотлар тақдим этилганлиги учун фермер хўжалиги раҳбари қонун хужжатларига мувофиқ жавоб беради.

21. Фермер хўжалиги томонидан тайёрланган хужжатларнинг нусхалари фермер хўжалиги раҳбари томонидан лавозими ва имзоланган сана кўрсатилган ҳолда тасдиқланади.

Хужжатларга тузатишлар киритишга йўл қўйилмайди.

22. Хужжатлар туман кенгашининг ваколатли ходими томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, хужжатларнинг иккинчи нусхаси ариза берувчига қабул қилинган сана кўрсатилган ҳолда юборилади (топширилади). Хужжатлар электрон тарзда тақдим этилган тақдирда ариза берувчига электторн алоқа воситалари орқали тегишли билдиришнома орқали жавоб юборилади.

23. Фермер хўжалиги томонидан ушбу Низомнинг 16-бандида назарда тутилган хужжатлар тўлик топширилмаслиги ва (ёки) ушбу Низомнинг 19-бандида белгиланган талаблар бузилган тақдирда, туман кенгаши аризани кўриб чиқиш учун қабул қиласлик ҳукуқига эга.

Рад қилингани тўғрисидаги билдиришнома фермер хўжалигига икки кун муддатда рад этилишининг аниқ сабаблари кўрсатилган ҳолда юборилади (топширилади), бир нусхаси Кенгашга маълумот учун юборилади.

Фермер хўжалигининг ҳужжатларини бошқа асосларга кўра, жумладан, мақсадга мувофиқ эмас деган важ билан қабул қиласликка йўл қўйилмайди.

24. Фермер хўжалиги томонидан Реестрга киритмасликка асос бўлган камчиликлар бартараф этилганда, ҳужжатларни қабул қилишда такоран рад қилинишига йўл қўйилмайди.

25. Туман кенгаши томонидан аризани кўриб чиқиш асоссиз равища рад этилганда фермер хўжалиги Кенгашга бевосита, зарур бўлган ҳужжатлар ва туман кенгашининг хатини илова қилган ҳолда мурожаат қилиш хукуқига эга.

26. Фермер хўжалиги томонидан Реестрга киритиш учун тақдим қилинган ҳужжатлар қандай қарор қабул қилинишидан қатъи назар Кенгаш архивида ўн беш йил давомида сакланади.

#### **5-боб. Фермер хўжалигини Реестрга киритиш тартиби**

27. Фермер хўжалигини Реестрга киритиш ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

28. Туман кенгаши берилган аризани кўриб чиқиш учун қабул қилганидан сўнг тақдим қилинган маълумотларнинг ишончлилигини текширади, зарур бўлганда тегишли статистика, солик ва бошқа органларни жалб этади.

29. Фермер хўжалигини Реестрга киритиш учун тақдим этилган ҳужжатлар тўплами туман кенгашига тушган кундан бошлаб икки кундан кечиктирмай Кенгашга юборилади.

30. Кенгаш тақдим этилган материалларни кўриб чиқиш, натижалари бўйича уч кун муддатда фермер хўжалигини Реестрга киритиш ёки киритмаслик тўғрисида қарор қабул қилади.

31. Фермер хўжалигининг қонун ҳужжатларида кўп тармоқли фермер хўжаликлариға қўйиладиган талабларга мос келмаслиги Кенгашнинг фермер хўжалигини Реестрга киритишни рад этиш тўғрисидаги қарори қабул қилинишига асос ҳисобланади.

32. Реестрга киритишни рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганда уч кун муддатда фермер хўжалигига рад қилинишининг аниқ сабаблари кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда билдиришнома юборилади (вакилига топширилади).

33. Фермер хўжалигини Реестрга киритиш рад этилиши туман кенгашига шу мақсадда қайта мурожаат қилишига тўскинлик қилмайди.

34. Реестрга киритиш рад этилишига асос бўлган сабаблар фермер хўжалиги томонидан бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни такоран кўриб чиқиш ушбу Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

#### **6-боб. Кўп тармоқли фермер хўжалигини Реестрдан чиқариш тартиби**

35. Кўп тармоқли фермер хўжаликлири қўйидаги ҳолатларда Реестрдан чиқарилиши мукин:

улар томонидан туман кенгашига Реестрдан ихтиёрий чиқариш тўғрисида ариза берилиши;

кўп тармоқли фермер хўжалигининг тугатилиши;

кўп тармоқли фермер хўжалигининг қонун ҳужжатларида кўп тармоқли фермер хўжалигига қўйилган талабларга мувофиқ эмаслиги.

36. Кўп тармоқли фермер хўжалиги Кенгаш қарорига асосан Реестрдан чиқарилади ва бу тўғрида икки кун мобайнида Реестрга тегишли ўзгартиришлар киритилади.

37. Кўп тармоқли фермер хўжалиги Реестрдан чиқарилган кундан бошлаб ушбу фермер хўжалигининг кўп тармоқли фермер хўжалик мақоми тугатилади.

Кўп тармоқли фермер хўжалигининг Реестрдан чиқарилгани тўғрисидаги маълумот белгиланган тартибда Кенгаш томонидан худудий солик органларига юборилади.

**7-боб. Реестрни юритиш ва маълумотларни тақдим этишда Кенгашнинг давлат бошқарув органлари билан ўзаро муносабати**

38. Кенгаш Реестрни юритишда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан ўзаро ҳамкорлик қиласи ҳамда ўзаро ахборот айирбошлайди.

Вазирликлар ва идоралар билан ўзаро ахборот айирбошлаш бепул асосда, уларга Реестрга кириш хукуқини бериш (зарурат бўлганда) орқали амалга оширилади.

39. Кенгашнинг расмий веб-сайтида жойлаштириладиган Реестрдаги очик маълумотлар фойдаланувчиларга бепул тақдим этилади.

40. Фермер хўжалигининг Реестрга киритилгани тўғрисидаги кўчирма фойдаланувчиларга Кенгашнинг расмий веб-сайти орқали, ҳеч қандай чекловларсиз амалга оширилади.

**8- боб. Яқунловчи қоида**

41. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Кўп тармоқли фермер хўжаликлари реестрини  
шакллантириш ва юритиш тартиби  
1- илова

(Фермер хўжалиги бланкасида (агар мавжуд  
бўлса) чиқиши рақами ва сана кўрсатилган ҳолда)

**Ўзбекистон фермер, деҳкон  
хўжаликлари ва томорқа ер эгалари  
кенгашига**

## Ариза

(фермер хўжалигининг тўлиқ номи)

“Фермер хўжаликлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан кўрсатиб  
ўтилган фермер хўжалигини Кўп тармоқли фермер хўжаликлари реестрига  
киритишингизни сўраймиз.

Аризага қўйидаги хўжжатлар илова қилинмоқда:

- солиқ тўловчининг идентификацион рақами нусхаси (ИНН);
- корхона ва ташкилотларнинг умумий таснифланиш коди (КТУТ коди);
- кўп тармоқли фермер хўжалигининг ихтисослашуви тўғрисидаги маълумотлар;
- ишлиб турган ўз хусусий воситаларнинг асосий рўйхати нусхаси (ишилаб чиқариш  
базаси, машина ва механизмлар);
- молиявий кўрсаткичлар тўғрисидаги хисобот нусхаси (фермер хўжалиги томонидан  
тасдиқланган);

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш, саноат ишилаб  
чиқариши бўйича фаолият, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ва фаолиятнинг қонун  
хўжжатларида тақиқланмаган бошқа турлари амалга оширилишини тасдиқловчи (фермер  
хўжалиги томонидан тасдиқланган) шартномалар ва хисоб-фактурулар нусхаси  
(бажарилган ишлар далолатномаси ва шу кабилар).

Шунингдек, Кўп тармоқли фермер хўжаликлари реестрини шакллантириш ва  
юритиш тартиби тўғрисидаги низом билан танишганлигимизни тасдиқлаймиз ҳамда  
тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилиги учун жавобгарликни ўз зиммамизга  
оламиз.

(Фермер хўжалиги бошлиғи)

(имзо)

(Ф.И.О.)

сана

Кўп тармоқли фермер хўжаликлари  
реестрини шакллантириш ва  
юритиш тартибига  
2- илова

**Фермер хўжалигини Кўп тармоқли фермер хўжаликлари реестрига киритиш  
схемаси**

